


Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров аҳоли муарожаатларини тинглаш ва масъуллар иштирокида ечим излаш мақсадида навбатдаги қабулини ўтказди



Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров аҳоли муарожаатларини тинглаш ва масъуллар иштирокида ечим излаш мақсадида навбатдаги қабулини ўтказди.

Туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган қабулда ўнга яқин фуқаронинг моддий ва тиббий ёрдам, уй-жой таъмири, бандлик, газ ва электр энергияси, ичимлик сув таъминоти ва бошқа масалалардаги муарожаатлари тингланди. Бир қанча муарожаат қабул давомида ҳал этиб берилди. Жумладан, ногиронлар кунда ташкил этилган тадбирга келолмаган, байрам совғаси олмаган фуқаронинг муарожаати шу ернинг ўзида ҳал этилиб, совға топширилди.

Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган муарожаатлар тегишли мутасаддиларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.